

МИЛЛИЙ КУТУБХОНА НОДИР КИТОБЛАР ХАЗИНАСИ



Наргиза Зайтова,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Қўлёзмалар, нодир ва
алоҳида қимматга эга
нашрлар хизмати бош
мутахассиси

Абулқосим Маҳмуд
ибн Умар аз-
Замаҳшарийнинг
«Муқаддиматул
адаб» (Адаб
илмига муқаддима)
асари ҳижрий
707 йил
(1307-1308 йил)

Китоб инсоният яратган энг улуг кашфиётдир. Шу ўринда Президентимизнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асаридаги қуйидаги эътирофни эътиборингизга тақдим этишни истардим. «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади».

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фонди нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам алоҳида қимматга эга бўлиб, унда икки юз минг нусхадан ортиқ ноёб манбалар мавжуд, улардан 28 мингдан ортиги Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати фондида сақланади.

XIV–XIX асрларда Мовароуннаҳр (Туркистон) ва Хуросон заминида битилган қўлёзма ҳамда тошбосма асарлар, XVII–XVIII асрларда Ғарбий Европада чоп этилган китоблар фонднинг ноёб ёдгорликларидан саналади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2011 йилда Республика пойтахти марказидаги янги бинога кўчиб ўтиши кутубхонанинг қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фонди тарихида янги саҳифа очди. Эндilikда «Нодир» ўқиш зали, манба сақлаш зали, шунингдек, кутубхонанинг «Китоб музейи» Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати тасарруфига берилди. Қироатхона ва китоб сақлаш зали, ходимлар иш олиб борадиган бўлмалар ҳарорат, намлик, ёруғлик нуқтаи назаридан халқаро стандартларга тўла жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 июлдаги «Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақлаш ширкати таъминлаш, улар фондиди тизимли кўпайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 202-сонли Қарорининг қабул қилиниши республикада нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни, босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек, аҳолида сақланаётган ҳамда тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларнинг тизимли сотиб олинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур қарор асосида тасдиқланган «Нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш» ҳамда «Босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек, аҳолида сақланаётган ҳамда тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни тизимли сотиб олиш» бўйича комплекс тадбирлар босқич-



ма-боскич амалга оширишга қаратилган. «Нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш» бўйича комплекс тадбирларда қуйидаги йўналишлар кўрсатилган:

- нодир ва алоҳида қимматли нашрларнинг норматив-методик базасини ва ягона электрон фондини шакллантириш;

- ахборот-кутубхона фондларининг консервация ва реставрация қилиш хизматларини техник жиҳозлаш ва ишларни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- реставрация ва консервация қилиш бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш белгиланган.

«Босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек, аҳолида сақланаётган ҳамда тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрларни тизимли сотиб олиш» бўйича комплекс тадбирларда қуйидаги йўналишлар:

- норматив-методик базани шакллантириш;

- реставрация ва консервация қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- аҳолидаги алоҳида қимматли, нодир нашрлар ва ҳужжатларни аниқлаш ва тўплаш тадбирларининг мақсадлари, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш белгиланган.

Юқоридаги йўналишларни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш муҳим аҳамият касб этиб, улар қуйидагилардан ташкил топади:

- «Ахборот-кутубхона ресурсларини нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига киритиш, шунингдек, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»;

- «Нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон фонди тўғрисидаги Низом».

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзархив» агентлиги, Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги



Республика илмий-методик кенгаши муҳокамасидан ўтказилди.

Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ахборот-кутубхона ресурсларини нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига киритиш, шунингдек, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон фондини яратишни тартибга солиш ҳамда босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек, аҳолида сақланаётган ва тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга ноёб нашрларни аниқлаш, танлаш, сотиб олиш, ижарага олиш ва улардан вақтинча фойдаланиш учун нархларни белгилаш бўйича мезонларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи банди бўйича манускриптларни, шунингдек, Миллий кутубхонада сақланаётган ва тарихий, илмий, бадий ва маданий қимматга эга бўлган нодир нашрларни босқичма-босқич электрон форматга ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бандига кўра жадвал ишлаб чиқилди. Бу ҳам қилиш керак бўлган ишларнинг энг муҳимларидан бири.

Қандай адабиётлардан бошлаш керак? Ўлкашуносликка оид адабиётларданми, кўп сўраладиган адабиётларданми, ёки таъмир талаблариданми? Эллик йил, юз йил ва ундан ҳам кўп йиллардан бери ҳар хил шароитда сақланиб келганидан ташқари, вақт ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ана шундай китобларни фойдаланувчи ҳар сафар варақлаб зарар ет-

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг Петиде Ля Кур томонидан «Histoire de Timur-Bec» (Темурбек тарихи) деган ном билан французча таржимаси. Бу китоб тўрт жилдди бўлиб, 1723 йилда Парижда чоп этилган


nodir.natlib.uz 6095

База данных редких изданий и рукописей NatLib Тескари алоқа Ердам Узбекча ▾

Қидириш Q Батафсил қидирув ▾

Нодир нашр турлари **Қўлёзмалар ва нодир нашрлар маълумотлар базаси** Сўнги янгилашлари

Китоблар
Қўлёзмалар
Альбомлар
Вақтли матбуот нашрлари
🕒 Кўп учрайдиган саволлар



Фойдаланувчи диққатига!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан "Нодир нашрлар ва қўлёзмалар" маълумотлар базаси дастури жорий этилди. Дастурга нодир нашрлар каталоги ва асарнинг тўлиқ матни киритилган. Бундан ташқари, алоҳида фойдаланувчилар (олимлар, мутахассислар ва тадқиқотчилар) мазкур дастур ёрдамида ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича шарҳлар шунингдек, соҳавий мақолаларни қўйиш имконини яратди. Дастурда бошқа кутубхоналар, музейлар, архивлар ва соҳавий институтларда сақланиб келинаётган нодир нашрлар ва қўлёзмалар маълумотлар базасига уланиш имконияти ҳисобга олинган. Мазкур дастур ёрдамида фойдаланувчига қисқа вақтда барча ахборот ресурсларини бир маконга умумлаштириш, кенг қўламли маълумотларни сифатли таҳдим этиш имконини беради. Маълумотлар базасига сақланиб келинаётган барча фондларнинг (15%) тўлиқ матни киритилган. Алоҳида фойдаланувчилар (олимлар, мутахассислар ва тадқиқотчилар) томонидан асарнинг тўлиқ электрон матнига бўлган зарурият пайдо бўлганда, Миллий кутубхона раҳбарияти номига расмий хат билан мурожаат этилади. Хат намунаси пастки иловада.

Батафсил
Туркестанский Сборникъ Т. 193
В. И. Межовъ
Национальная библиотека Узбекистана

Батафсил
Туркестанский Сборникъ Т. 192
В. И. Межовъ
Национальная библиотека Узбекистана

Батафсил
Туркестанский Сборникъ Т. 191
В. И. Межовъ
Национальная библиотека Узбекистана

Батафсил
Национальная библиотека Узбекистана

Батафсил
Туркестанский Сборникъ Т. 190

казмаслиги учун электрон кўриниши, албатта, муҳим.


Тўртинчи банди бўйича Миллий кутубхонанинг ноёб фондларини электрон форматга ўтказиш:

- рақамлаш технологиясини танлаш;
- электрон намуналар яратиш ва идентификациялаш;
- электрон ресурсларнинг библиографик маълумотлар базасини яратиш.

Бу банд ҳам муҳим бандлардан бири. Рақамлашда технология танланмаса, нодир китобларга зарар етказиб қўйиш мумкин. Ундан чиқаётган ёруғлик китобнинг қоғозига, сиёҳига зарар етказмаслиги зарур. Кутубхона фондини давр талаблари асосида электрон шаклга ўтказиш ва рақамлаштириш учун Австрияда ишлаб чиқарилган профессионал сканерлар олиб келинди. Масалан, ZEUT-SCHELOS

12000° «Qidenus RBS» робот сканери нодир китобларга зарар етказмай нухалайди.

Бешинчи банди манускриптларнинг, шунингдек, Миллий кутубхонада сақланаётган, тарихий, илмий, бадиий, маданий қимматга эга бўлган нодир нашрларнинг библиографик ва тўлиқ матнли базасини шакллантириш ҳамда уни тўлдириш бўйича «BePro – ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаш маркази» билан ҳамкорликда дастур яратилди. Аввал ҳам ҳар хил дастурларда ишлаб келинган. Бу миллий дастурнинг афзалликлари онлайн режимда фойдаланувчилар нодир китоблар каталоги ҳамда тўлиқ матни билан танишиши мумкин. Дастурда қўлёзмалар, нодир китоблар сақловчи кутубхона, архив, институт, музейлар маълумотлар базаси билан уланиш, айрим фойдаланувчилар учун қўшимчалар киритиш имкони мавжуд. Бундан мақсад тар-



қоқ материалларни бир жойга жамлаш, мутахассислар вақтини тежаш ва фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатишдир.

Олтинчи банди Ахборот-кутубхона фондларининг консервация ва реставрация қилиш хизматлари ишларини ташкил этиш учун махсус ускуналар билан жиҳозлаш бўйича асбоб-ускуналар рўйхати шу соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўнинчи банди «Сўровномани тўлдириш учун йўриқнома ва тавсияларни ишлаб чиқиш. Нодир ва алоҳида қимматли нашрларни паспортлаштириш» бўйича ҳам катор ишлар амалга оширилди. «Қўлёзма ва нодир нашрлар маълумотлар базаси»нинг имкониятларидан бири, бунда китоб паспорти учун ҳам жой ажратилган. Бу китобнинг ҳолати, сақланиш даражаси, унга етган зарарлар ва ишлатилган материаллар ҳақидаги маълумотлардан иборат. Бундан ташқари, фонднинг умумий аҳволи ҳақида ҳам маълумотга эга бўлинади. Қанча адабиётлар реставрацияга муҳтожлиги, реставрацияни бошлаш кетма-кетлиги, зарурий материал ва бошқа маълумотга эга бўлишга имкон беради.



«Туркистон тўплами» Туркистон ва унга чегарадош Марказий Осиё ҳамда Шарқ мамлакатларининг XIX асрнинг 70 йилларидан 1917 йилгача бўлган тарихи ва маданиятига оид жами 594 жилддан иборат

Наргиза Заитова, главный специалист службы рукописей, редких и особо ценных изданий Национальной библиотеки Узбекистана

Национальная библиотека Узбекистана – крупнейшее книгохранилище Центрально-азиатского региона. Библиотека обладает уникальными по полноте и содержанию коллекциями восточных манускриптов, литографий, первых туркестанских газет, журналов, монографий и научных публикаций по истории исследования Туркестанского края периода XVIII-XIX вв. Кроме этого, большой научный и познавательный интерес представляет коллекция русских и западноевропейских изданий XVI-XIX вв.

Переезд в 2011 г. Национальной библиотеки Узбекистана в новое здание открыл новую страницу в истории фонда рукописей, редких и особо ценных изданий. Читальный зал «Нодир», книгохранилище, а также «Музей книги» переданы в ведение службы рукописей, редких и особо ценных изданий. Читальный зал, музей, книгохранилище, а также рабочие комнаты для специалистов библиотеки полностью отвечают международным стандартам в отношении освещения, температурного и гигроскопического режима.

Службой ведутся работы по системному обогащению фонда путём приобретения рукописных книг, редких печатных изданий, хранящихся у населения, а также ведутся работы по реставрации и консервации фонда на основе самого современного оборудования, создаются электронные копии всех изданий и рукописей, ведется паспортизация фонда для его учета и создания графика плановой работы по его реставрации.

В Национальной библиотеке Узбекистана разработана база данных «Редких изданий и рукописей». Данная программа даёт пользователям возможность ознакомиться с каталогом уникальных книг, а также полнотекстовым базам данных. В программе есть возможность соединения с базами данных других библиотек, музеев, архивов, институтов, в которых хранятся редкие издания. Отдельные категории пользователей (ученые, специалисты и исследователи) могут под своим аккаунтом оставить комментарии при просмотре полнотекстового или редкого издания по каталогу. Это дает возможность собрать в единое целое информацию о различных материалах, находящихся в различных учреждениях, а также экономит время специалистов, предоставляя им полномасштабные сведения. В базу данных включены полнотекстовые данные фонда рукописей, уникальных и особо ценных изданий Национальной библиотеки, которые доступны для просмотра в объёме 15% от всего ресурса. ■

Нодир ва алоҳида қимматли нашрларнинг намунавий паспорти

Шифр	Хужжат тури	Формати	Инв.	Тили	Чиқиш маълумоти
Муаллиф					
Сарлавҳа					

Хужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари	
Ҳошиядаги белгилар	√
Экслибрис	
Сув белгиси	
Тусланган қоғоз	
Гравюра	
Муҳр	
Нақш	
Бошқалар	

Ахборот ёзув материаллари			
Босма б ^а ғи		Қ л ^а зма матни	
Қора сиёҳ	Қора		
Қизил сиёҳ	√	Қизил	√
Бошқа	Металгал		

Ахборот-ёзув материалларининг зарарланиши	
Ҳарфлар контури бўйича сатрлар ўринлари тушиб қолиши	
Матннинг орқа тарафига ўтган	0
Сиёҳ рангининг хираланиши	
Суркалган	
Сиёҳ қаватининг тўкилиши	
Бошқа	

Тавсиялар	
Варақларни таъмирлаш	
Муқова реставрацияси	√
Муқовани қайта тиклаш	
Картон қутида сақлаш	
Чангдан тозалаш	
Дезинфекция қилиш	

Аввал таъмирланганлиги ҳақида маълумот	
Мавжуд нусхалар	
Микрофильм	
Электрон нусха	√

Ахборот ташувчи			
Материал		Формат	
Қул қоғози		Қул қоғози	
Саноат қоғози		Саноат қоғози	√
Пергамент	√	Пергамент	
Бошқа		Бошқа	

Ахборот ташувчининг зарарланиши					
Механик		Физикавий-химёвий		Биологик	
Деформацияланган	0	Ранги ўзгарган	0	Пигментлашган	0
Йўқотишлар		Намлиқдан зарарланган		Ҳашоротлар	
Бурчакларнинг шикастланиши		Доғлар мавжуд		Замбуруғлар	
Бошқалар		Кирланган		Кемирувчилар	
		Бошқалар		Бошқа	

Блок ва муқова материаллари ҳамда зарарланиши					
Блок		Муқова қопқоғи материаллари		Зарарланиши	
Тикилишнинг бузилиши		Қоғоз		Деформацияланган	Металл илгаклар
Тўпнинг ажраши	0	Ёғоч	√	Дарз кетишлар	Металл безаклар
Варақларнинг ажраши		Картон		Йўқотишлар	0
		Лой		Бошқа	Тери тасмалари

Китоб томонлари	
Зарҳал	
Рангли	√
Бошқа	

Зарб қилинган безаклар	
Блинт нақшлар	
Фордрук	√
Конгрев	
Бошқа	

Изоҳ	

Китоб муқовасига ёпиштириладиган материаллар			
Материаллар		Зарарланишлар	
Пергамент		Кирланиш	
Тери	√	Титилиш	
Қоғоз		Йўқотишлар	0
Ледерин		Дарз кетишлар	
Коленкор		Ҳашаротлардан зарарланиш	
Мато		Кемирувчилардан зарарланиш	
Комбинацияланган мато		Асосдан кўчиш	
Металл		Ранг ўзгариши	
		Бошқа	

Тўлдирилган сана		Ижрочи	

Кутубхона фондидаги ноёб нашрларни сақлашга қўйиладиган талаблар

Материал тури	Ҳарорат	Нисбий намлик	Ёруғлик	Асосий хавф-натирлар
Қоғоз	18±2 ^С	55± 5%	75 люкс кўрғазмага қўйилганда 150 люкс	Ҳашоратлар, микроорганизмлар, кимёвий шикастланишлар
Фото-расм	-5 ^С рангли суратлар учун 15 ^С бошқа турдаги суратлар учун	30-50 %	20, 50 люкс	Ёруғлик, намлик
Пергамент, тери	18±2 ^С	60± 5%	75 люкс кўрғазмага қўйилганда 150 люкс	Ҳашоратлар, микроорганизмлар
Ёғоч	18±2 ^С	55± 5%	> 150	Ҳашоратлар Дарз кетишлар
Мато	18±2 ^С	55± 5%	75 люкс кўрғазмага қўйилганда 150 люкс	Ҳашоратлар, микроорганизмлар, кимёвий шикастланишлар
Микро-фильмлар	-5 ^С рангли +10 ^С оқ-қора	40%-50 %	20, 50 люкс	Ёруғлик, намлик
Дисклар	4 ^С дан 20 ^С гача	20%-65%	Қоронғи жойда	Ёруғлик, намлик

Ушбу жадвалда куйидаги стандартлар ҳаволаларидан фойдаланилган:

ГОСТ 7.50-2002 Хужжатларни консервация қилиш умумий талаблари

ГОСТ 7.65-92 Кинохужжатлар, фотохужжатлар ва микрошаклдаги хужжатлар, архивда сақлашга қўйилган умумий талаб

ГОСТ 7.02-2006 СИБИТ. Ихчам дискларда сақланадиган хужжатларни консервация қилиш. ■



Нодир ва алоҳида қимматли китоблар фондини сақлаш ва улар тўғрисида тўлиқ маълумотларни жамлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу йўналишда улар паспортини тайёрлаш орқали фондларда сақланиб келинаётган нашрлар бўйича тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш имконини яратади:

- хужжатнинг библиографик характеристикаси (шифр, инвентар рақами, китоб номи, муаллиф(лар)и, нашр маълумотлари ва ҳ.к.);
- хужжатнинг хусусиятлари (кутубхона штампи, эгалик белгилари, маргиналиялар ва ҳ.к.);
- хужжатнинг материалшунослик бўйича хусусиятлари;
- ахборот ташувчи, ахборот ёзилган воситалар ва муқовадаги зарарланишлар даражаси ва уларни баҳолаш мезонлари;
- хужжат нусхаси тўғрисида маълумот;
- амалга оширилган реставрация ишлари ҳақида маълумот (қачон ва қандай ҳажмда бажарилганлиги);
- нодир ва алоҳида қимматли нашрларни сақлаш режими ҳақида маълумот;

Хужжат ҳолати бирламчи кўринишда балл орқали баҳоланиб, шундан сўнг хужжатнинг алоҳида таркибий қисмлари (ахборот ташувчи материаллар, варақлар блоқи, муқова) ҳамда хужжатнинг бутун кўринишдаги зарарланиши фоиз микдоридан кўрсатилади. ■